

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Икрамов Нуриддин Акрамович

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ
МОЛИЯЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ (НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

5A111001 Касб таълими (Молия)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. М.Хусаинов

Наманган 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги ва аҳамияти	
1. Уй-жой билан таъмиланганлик аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи сифатида.....	5
2. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги.....	21
3. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши.....	23
II боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг йўналишлари	
1. Аҳоли даромадлари юксалиши.....	34
2. Уй-жой қурилишини давлат томонидан қувватлаш.....	45
3. Банк-кредит тизимининг қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги иштироки.....	50
III боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг такомиллаштирилиши	
1. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни давлат томонидан рағбатлантириш.....	55
2. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашнинг такомиллаштирилиши.....	60
3. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадал ривожлантириши истиқболлари.....	75
4. Мавзуни ўқитиш методикаси.....	86
Хулоса	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	93
Илова.....	95

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги пайтда замонавий қишлоқ архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига мос келиши, Бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча қулайликлар ва коммуникация тармоқларига (электр узатиш тармоқлари, газ, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда замонавий кўриниши ва шинамлиги билан ажралиб туриши лозим. Чунки уй-жой шароитлари аҳоли фаровонлигининг ажралмас қисмидир. Бу йўналишда мамлакатимизда Президент И. А. Каримов раҳнамолигида улкан ишлар амаолга оширилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг молиявий масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришнинг долзарб масалалари қаратилган масалалар юзасидан ўзбекистонлик олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Улар жумласида А. Ваҳобов А.Ш. Бекмуродов, У.В. Ғафуров Н.Т.Урмонов , Ш.И. Мустафакулов, Б.Алиев, А.Н. Раҳмонов, ва бошқаларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ҳал этилишининг молиявий тизимини ташкил этишда, ҳозирги замондаги ёндашув ва қарашларни ўрганиш, сарфланаётган маблағлардан ҳамда манбалардан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш йўлларини излаб топиш ҳисобланади.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб қуйидагилар магистрлик ишининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги ва аҳамиятини ўрганиб чиқиш;
- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг йўналишларини молиялаштириш механизми моҳияти ва зарурлигини кўриб чиқиш;
- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг такомиллаштирилишини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялаш механизми ва уни амалга оширишдаги молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Ишда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Президент фармонларидан, хорижий ва Ўзбекистонлик олимларининг илмий изланишларидан, статистик материаллардан, оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланилган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда келтирилган хулоса ва таклифларидан қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг механизмини такомиллаштиришда фойдаланилса бўлади, ундан ташқари тадқиқотнинг материалларидан ўқув жараёнида «Молия», «Давлат бюджети», каби фанларини ўқитишда фойдаланилса бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишнинг ҳимоясига тақдим этилган янгиликлар қуйидагилар:

- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги ва аҳамияти илмий таҳлил этилди;
- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг йўналишларини молиялаштириш механизми моҳияти очиқ берилди;

- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг такомиллаштирилиши йўналишлари асослаб берилди;

- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни давлат томонидан рағбатлантириш механизми тадқиқ этилди;

- қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашнинг такомиллаштирилиши йўналишлари асосланди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, назарий ва услубий асослари, илмий янгилиги кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи бобида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги ва аҳамияти, уни молиялаштириш механизми асослари, ва бу борадаги концептуал ёндашувлар кўриб чиқилган.

Иккинчи бобда Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг йўналишлари таҳлили ўтказилган.

Учинчи бобда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг такомиллаштирилиши масалалари кўриб чиқилган.

Хулоса қисмида тадқиқот буйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

1-боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги ва аҳамияти

1. Уй-жой билан таъмиланганлик аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи сифатида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этиш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. 2012 йил маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 13,4 млн. нафари ёки 48,4 фоиз қисми қишлоқда, 14,3 млн. нафари ёки 51,6 фоиз қисми шаҳарда истиқомат қилади. Шундай экан, қишлоқда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш миллионлаб ватандошларимизнинг фаровонлигини юксалтиришга, уларда эртанги кунга бўлган ишонч ва ҳаётдан қониқиш ҳисларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Замонавий қишлоқ биринчи ўринда архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига мос келиши, бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча қулайликлар ва коммуникация тармоқларига (электр, газ узатиш тармоқлари, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда замонавий кўриниши ва шинамлиги билан ажралиб туриши талаб этилмоқда.

Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси - узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт ижтимоий

инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Амалга оширилган улкан ишларга қарамасдан ҳозирда ҳам мамлакатимиздаги кўплаб қишлоқ аҳоли пунктлари замонавий архитектура ва меъморий режалаштириш лойиҳаси талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражада эмас.

Меъморий режалаштириш лойиҳаси - иморатлар қуришнинг ҳажм-макон ва архитектура-бадий ечимини, биноларнинг неча қават бўлиши ва турларини, иморат қуриш ва ердан фойдаланишни тартибга солишнинг қизил чизиклари, чегараларини, ердан фойдаланувчилар ҳудудларининг чегараларини, кўчаларнинг кўндаланг кўринишини белгилаб беради, шунингдек, ҳудудларни муҳандислик юзасидан тайёрлаш тадбирларини, атроф муҳитини муҳофаза қилишни назарда тутди.

Ҳозирги пайтда меъморий режалаштириш талабларига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари уларда яшаётган аҳоли сонига кўра 4 тоифага ажратилади ва шунга мос қишлоқларнинг меъморий Бош режаси ишлаб чиқилади.

Биринчи тоифага аҳоли сони 100 дан 1000 кишигача бўлган кичик қишлоқлар киритилади.

Иккинчи тоифага аҳоли сони 1000 кишидан 3000 кишигача бўлган ўртача қишлоқлар киритилади.

Учинчи тоифага аҳоли сони 3000 кишидан 5000 кишигача бўлган катта қишлоқлар киритилади.

Тўртинчи тоифага аҳоли сони 5000 кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқлар киритилади.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши
(2010 йил 1 январь ҳолатига)

Аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони	Аҳоли пунктларининг сони	Жамига нисбатан фоизда
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	5892	49,8
Ўртача аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	4527	38,3
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	1026	8,7
Йирик аҳоли пунктлари	5000 кишидан ортиқ	375	3,2
Жами:		11820	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент – 2012. -бет

Жадвал маълумотлари мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5982 тасида (49,8 фоизи) аҳоли сони 100 дан 1000 кишигачани, 4527 тасида (38,3 фоизи) 1000 дан 3000 кишигачани, 1026 тасида (8,7 фоизи) 3000 дан 5000 кишигачани ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 фоизи) 5000 кишидан ортиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги замон архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келмайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари ягона режанинг мавжуд эмаслигидан кўп ҳолларда тартибсиз ва тарқоқ ҳолда қурилади. Айниқса туманларнинг марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа асосида қурилмагани боис уй-жойлар кўчаларга бўлинган ҳолда батартиб қурилмаган. Бундай қишлоқлардаги уй-жойларнинг ташқи кўринишида ҳам хилма-хиллик учрайди. Шу сабабдан кўриниши замонавий дизайн ва шаҳарсозлик мезонларига мос келмайди ҳамда коммуникация тармоқларига улаш жараёнида ноқулайликлар келтириб

шаҳарсозлик мезонларига мос келмайди ҳамда коммуникация тармоқларига улаш жараёнида ноқулайликлар келтириб чиқаради.

1-расм.

2013 йил бошланишида қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа билан таъминланганлиги

Қишлоқларнинг умумий сони	⇒	11820 та
Бош режаси ишлаб чиқилмаган	⇒	7371 та ёки 62 %
Бош режаси эскирган	⇒	3982 та ёки 34 %
Бош режаси яроқли	⇒	467 та ёки 4 %

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикаimizдаги мавжуд жами 11820 та қишлоқлардан 7371 тасининг (62 фоизи) Бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 фоизи) Бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 фоизи) Бош режаси яроқли ҳисобланади. Демак, мавжуд қишлоқларимизнинг 96 фоизини замонавий архитектура талаблари даражасида Бош режа билан таъминлаш талаб этилади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуслари билан юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларнинг бошланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари» ҳамда 2009

йил 7 апрелдаги 148-сонли «Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан республикамиздаги 965 та аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилиб, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада кучайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

- манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлашлари;

- шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишлари;

- шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари белгилаб берилди.

Натижада замонавий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-

иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланмоқда.

Ҳозирда замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1046-сонли «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиш бўйича дастурига жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб бу борада салмоқли ишлар давом эттирилмоқда.

Қишлоқда қуриладиган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун лойиҳалаштириш ишларидан яхши хабардор бўлган, барча моддий-техникавий базага ҳамда етарли илмий салоҳиятга эга ихтисослашган лойиҳа-қидирув институтларини ташкил этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган 1049-сонли «МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳалаш-қидирув институти айнан шу вазифани амалга оширишга хизмат қилмоқда. «Қишлоққурилишлойиҳа» институти:

- қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштириш тизимини шакллантириш, ривожлантиришнинг бош схема лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар-жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишларини амалга оширади.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти ҳукуматимиз кўмаги билан қишлоқларни замонавий архитектура талаблари асосида меъморий лойиҳалаштириш ишлари учун зарур бўлган барча модий-техникавий ва илмий салоҳият билан таъминланган. 2011 йилнинг ўзидагина «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан 31 та уй-жой лойиҳалари, 16 та ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳалари ва ҳудудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 20 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қўллаш учун тавсия этилди

Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни, 2009 йилдан буён Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида республикаимизнинг барча қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган тураржойларни қуриш кўлами кенгаймоқда¹.

Жумладан 2012 ва 2013 йилларда ҳам қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг барпо қилиниши йўлга қўйилиши билан мустақил юртимиз чинакам бунёдкорлик, ободонлаштириш майдони сифатида намоён бўлмоқда. Миллий анъаналаримиз ва замонавий уйсозликнинг услуб ҳамда шакллари уйғунлашган барча қулайликларга эга муҳташам иморатлар қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.


Қишлоқларимизда юз бераётган бундай оламшумул янгиланишлар одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимизда биргина 2011 йилнинг ўзида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7400 та хусусий уй-жойни фойдаланишга

¹ Президентнинг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 3 августдаги Қарори.

топшириш мақсадида 576 миллиард сўмдан зиёд сармоя йўналтирилгани ана шундан далолат беради(2-расм).

2-расм.



Қурилаётган уй-жойларнинг эгаларига молия муассасалари томонидан 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олиниши, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиши каби бир қатор енгилликлар фуқаролар учун диққатга сазовордир.


Ҳар қандай бино ва иншоотнинг қурилишида унинг меъморий ечими муҳим аҳамиятга эга². Бу борада, яъни, замонавий янги лойиҳаларини ишлаб чиқиш масъулияти “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” институти мутахассислари зиммасига юклатилган.

Президент И. А. Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида

² Президентнинг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 17 июнь Қарори.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжаллаб тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилаётганини алоҳида қайд этди³.

3-расм.



«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига массивларнинг топосъемкаси, геология ва ишчи лойиҳалари тайёрланиб, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотларни имтиёзли нарх ва белгиланган муддатларда етказиб бериш бўйича жадвал ишлаб чиқилиши ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер танловларини ўтказиш вазифалари юкланган. Чунки, қурилиш жараёнини намунали ташкил этиш ишни тез ва сифатли бажаришга хизмат қилади. Натижада 2011 йилнинг ўзидагина «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси тизимида қурилишга ихтисослаштирилган ишга туширилган 12 та завод томонидан пудратчи ташкилотлар 28,9 миллион дона пишиқ ғишт, 613,4 минг квадрат метрлик

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги № ПҚ-1668 сонли “2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори.

металл томёпқич, 2,7 минг квадрат метр ҳажмда эшик ва ромлар билан арзон нархларда таъминландилар.

Замонавий янги хусусий уй-жой барпо этиш лойиҳаларининг аввалгиларидан фарқи шундаки, уй шифтининг баландлиги 3,2 метр, дарвозахона йўлагининг тепа қисмида махсус айвон, кираверишда эса автомобиль учун жой бўлиши, иситиш қозонхонаси ҳовлининг юқори бурчагида жойлаштирилиши сингари ҳаётий омилларнинг эътиборга олинаётгани барчага маъқул тушмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилиши жараёнига пудратчи ташкилотларнинг танлов асосида жалб этилаётгани, уларга ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қурилишбоп маҳсулотларнинг узлуксиз етказиб берилаётгани иш суръатини тезлаштириш баробарида, унинг сифатини оширишга кўмаклашмоқда.

4-расм.



Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари (металлочерепица), эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Қурилиш материаллари нархларини

оптималлаштириш мақсадида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИКси томонидан йилига 300 миллион дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 миллион кв. метр том ёпиш материаллари (металлочерепица) ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда.

2012 йилда қишлоқ одамларининг бахтли ва фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом эттириш мақсадида республикамизнинг 276 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий уй-жой қуриш амалга оширилди (4-расм).


Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси сўнгги йиллар давомида ўттиздан ортиқ турдаги замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Бунда: алебастр ва қурилиш бўри, қуруқ безакловчи қоришмалар, гипскартон; девор ва шифтлар учун пластик панеллар; “алюкобонд” алюминий-пластикли композитли панеллар, алюминийли радиаторлар; ламинатланган паркет; сопол черепица; вермикулит, ойна ва эшиклар учун блоклар ҳамда шиша пакетлар, гидроизоляция томпқич материаллари кабилар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

2012 йилда «Ўзқурилишматериаллари» АК томонидан янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида аниқ чоратадбирлар амалга оширилган бўлиб, улар жумласидан: замонавий ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга туширилди; қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий томпқич материалларни ишлаб чиқариш бўйича 6 та ишлаб чиқариш объектларини ишга туширилди; замонавий безакловчи материалларни ишлаб чиқарувчи янги қувватларни ишга туширилди; 6 та конни тиклаш ва реконструкция қилинди ҳамда уларнинг қувватларини оширилди.

Қишлоқларда янги уй-жойлар барпо этилиши баробарида массивларнинг ташқи инфратузилмасини яратиш ҳам ҳукуматимизнинг доимий эътиборида дир. Хусусан, “Ўзтрансгаз”, “Ўзбекэнерго” компаниялари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан юзлаб километрлик газ ҳамда ичимлик суви тармоқлари, электр энергияси линиялари тортилиб, асфальт йўллар ётқизилиши, ҳудудларда

болалар боғчалари, мактаблар бинолари, гузарлар, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари каби ижтимоий иншоотларнинг (болалар спорт мажмуаси, деҳқон бозори, новвойхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, минибанк, милиция таянч пункти) барпо этилиши, ўз навбатида, жойларда аҳоли яшаши учун шаҳардагидек шарт-шароитлар яратишга асос бўлмоқда.

5-расм.



Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-Ф сонли “Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил

этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида” ги фармойиши бу борада муҳим кадам бўлди. Бу ҳужжатларга мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ката ишлар бажарилди.

Ҳозирги пайтда замонавий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1046-сонли "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Бутун мамлакатдаги каби Наманган вилоятида ҳам замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Аҳолига қулайликлар ва молиявий енгилликлар яратиш мақсадида бу борада муайян тартиб-қоидалар белгилаб олинди. Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаро, ўзи истиқомат қиладиган вилоятдаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг филиалига ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Фукаро ўз аризасида уй-жойларнинг намунавий лойиҳасини ва уй-жой қурилиши учун тўлов турини кўрсатиб ўтиши лозим. “Қишлоқ қурилиш инвест”ИК аризани ўрганиб чиқади ва фукаро билан дастлабки шартнома тузиш учун таклиф этади. Фукаро “Қишлоқ қурилиш инвест”ИК билан шартнома тузгандан сўнг, ипотека кредити расмийлаштириш учун фукаро яшаш жойига яқин бўлган “Қишлоқ қурилиш банк”нинг филиалига мурожаат қилади.

Қарз оловчи фукаро “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси билан “калити билан топшириш” шартлари асосида тузилган шартномада қурилиш ташкилотини танлаш ва техник назорат қилиш вазифаларини компанияга юклайди. Бунда, қарз оловчи шартномага мувофиқ қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурият бўлганда намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжиниринг компанияси ва пудратчига эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % и даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

- кредитдан фойдаланганлик учун Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоиз белгиланади;
- жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;
- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар ушбу ходимнинг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайди;

- кредитнинг бошланғич 25% тўлови фуқаронинг ишхонаси томонидан ҳам тўлаб берилиши мумкин. Бунда корхона томонидан тўлаб берилган ушбу сумма ҳам даромад солиғидан озод қилинади.

- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25% дан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

- шартнома “Қишлоқурилишинвест” инжиниринг компанияси билан “калити билан топшириш” шarti асосида тузилади

- ажратиладиган 6 сотих ер участкаси умрбод мерос қилиб бепул берилади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб берди. Ўзбекистонда 2013 йилда қишлоқ жойларида 353 та мавзеда умумий турар-жой майдони 1,5 млн.кватрат метрдан ортиқ булган 10 мингта шинам уйлар қурилди. Бу 2012 йилдагидан 17 фоизга куп.

Наманган вилоятида 2011-2013 йилларда ун бита туманда жами 72 та янги турар-жой мавзелари пайдо булди. Уларда 1700 дан ортиқ янги уйлар қурилди. Буишларга жами 134 миллиард сумдан ортиқ маблағ йуналтирилди. Мазкур мавзеларда 25,2 километр узунликдаги йул қурилди, 73,8 километр электр, 52,2 километр табиий газ, 77,3 километр масофадаги ичимлик суви тармоклари ишга туширилди.

2. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги

Қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфаси қишлоқларнинг ободлиги, улардаги уй-жойларнинг чиройли ва кўркемлиги, аҳолига хизмат кўрсатувчи кўплаб ташкилотлар, мактаблар, болалар боғчалари, истироҳат боғлари ва бошқа кўнгилочар муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари, улардан фойдаланиш қулайлиги билан белгиланади. Булар аҳолининг умумий кайфияти ва руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Агар қишлоқ қиёфасининг кўркем ва чиройлилиги унда яшовчи одамларнинг ҳаёти ҳам гўзал бўлишига ишлари унумли, ўзлари бахтли бўлишларига шароит яратади.

Шунга кўра, Президент И. А. Каримов қишлоқларимиз қиёфасига биринчи навбатда таъсир кўрсатувчи уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишига катта эътибор қаратмоқдалар. Чунки, эндиликда собиқ шўролар тузуми давридан қолган бир хил «қолип»да қурилган, ўзининг ташқи кўриниши билан одамларда ижобий таассуротлар қолдирмайдиган, фойдаланиш жиҳатидан қулайликларга эга бўлмаган турли бино ва иншоотлар, муайян бир режасиз, ўйланмасдан, пала-партиш асосда қурилган уйлар халқимиз турмуш даражаси ҳамда фаровонлигига мутлақо мос келмайди.

Маълумки, қишлоқларда замонавий уй-жойлар ва инфратузилмалар барпо этиш узоқ муддатга мўлжалланган, босқичма-босқич амалга ошириладиган йирик дастур сифатида намоён бўлмоқда, уни ҳаётга татбиқ этиш учун катта маблағлар йўналтирилмоқда. Қишлоқ қурилишига сарфланаётган маблағларнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ аҳолисининг ўз маблағлари;
- «Қишлоқ қурилиш банк» очик турдаги акциядорлик тижорат банкининг кредит ресурслари;
- давлат бюджетидан шу мақсадларга ажратилаётган маблағлар;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари.

Қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида 2009 йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарори қабул қилинди.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ишга республикадаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, уларни молиялаштириш учун зарур маблағларни жалб этиш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди. Қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун 2009 йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2010 йилда қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш амалга оширилди. «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун 2009 йил давомида мамлакатимизда 906 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти

тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида 2010 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилди ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топширилди.

Қишлоқдаги қурилиш сарф-харажатларининг бир қисми уй-жойларнинг бўлғуси эгалари маблағлари ҳисобига, аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли (15 йилгача) имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, қишлоқларда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш ишлари изчил равишда олиб борилмоқда.

3. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши

Мамлакатимизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Чунончи, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур борадаги кўрсаткичлар сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомидагина республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

Айниқса, «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кучайтирилган ҳолда олиб борилди. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди. Шу асосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилди. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган эди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ яшаш жойларини тўла интентаризациядан ўтказиш чоралари кўрилди.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш мақсадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга қуйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аҳоли кенг эътиборига етказиш борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра, ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олди. Шу қаторда 2009 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланди.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйиш ва 1913,9 км маҳаллий йўللارни таъмирлаш кўзда тутилди.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқилди, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилди.


Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилинди.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла

инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узоқ жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилган ишлар энг аввало қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эди (6 -расм).

6-расм.



Расмдан кўринадики, бу масалаларнинг барчаси инсон саломатлиги билан боғлиқ. Бу борада 2009 йилда республикамиздаги барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «УАЗ» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди.

Йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилди, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида олис қишлоқ ва овулларда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди. Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, энг

муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит яратилди.

2007-2009 йилларда лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ кишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди.

2009 йилнинг ўзида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилиб, юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан кишлоқ жойларда эди. 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-хунар коллежининг 170 таси кишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Кишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфланди. “Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айти пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллади. 2008 йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида кишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- кишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- кишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- кишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;

- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкӣ муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш⁴.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарори асосида қучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топди. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банда ўз ифодасини топган эди.

Президентимизнинг маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтилди:

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва

⁴ Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш лозим. Худудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

2-жадвал

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлим-лар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш
III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
IV	Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш

V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
VI	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкӣ муносабатларни, ўрта табақа–мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
VII	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
IX	Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Мазкур вазифаларни бажариш учун яқинда махсус «Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Натижада архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятлари яратилди.

Янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларини қўллаган ҳолда олиб борилади. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиб олиб борилиши вазифаси қўйилди.

Президент И. А. Каримов томонидан қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия

таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига – бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими – ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз зарур деб таъкидланди.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ ғишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этиш, мавжуд норуда конларини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишга доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши лозимлиги белгиланди.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур эди. Чунки бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш зарур эди.

Дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборатлигини назарда тутган ҳолда бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилди – яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган

янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини ташкил этиш зарур деб белгиланди.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилди – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар

тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаб суғоришни ташкил қилинди.

II боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг йўналишлари

1. Аҳоли даромадлари юксалиши

Президентимиз И. А. Каримов асослаб берган ўзбек моделининг ўзаги – рационал мағзини ташкил этадиган беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб борилишини, яъни аҳоли даромадлари оширилишини назарда тутди.

Маълумки, мустақилликнинг 20 йилида (1991-2011 й.) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 миллион кишига, яъни ўртача йилига 389,1 минг кишидан кўпайди. 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 марта кўпайди. Айни вақтда ана шу даврнинг турли босқичларида мамлакатимизда шаҳар ҳамда қишлоқ даражасида аҳоли сонининг кўпайиш суръати ҳар хил бўлганини кузатиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Жами аҳоли сони	27072,2	27533,3	28001,4	28453,7	29123,3	2051,1	107,5
Шундан:							
Шаҳар аҳолиси	9584,6	9758,3	14327,8	14618,4	14897,4	5312,8	155,4
Қишлоқ аҳолиси	17487,6	17775,0	13673,6	13835,3	14225,9	-3261,7	81,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

3-жадвал маълумотларини ўрганиш 2007-2011 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2051,1 минг кишига ёки 7,5 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бироқ кўрилатган даврда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатлари бир меъёрга кечмаган. Жумладан, 2011 йилда 2007 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 55,4 фоизга кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 18,7 фоизга камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 35,4 фоиздан 51,2 фоизга ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,6 фоиздан 48,8 фоизга камайган. Демак, республикада аҳолининг шаҳарлашув жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайгани эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 68-сонли қарорига кўра мамлакатимиздаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилгани билан изоҳланади.

Ўзбекистон жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган демографик сиёсат олиб борилаётганлиги натижасида демографик жараёнларда ижобий тенденциялар кузатилмоқда (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда демографик жараёнлардаги ўзгаришлар (минг киши)*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 1995 йилга нисбатан ўзгариш	
	1995	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Туғилганлар сони	678,0	608,9	646,1	651,3	669,6	-8,4	98,7
Ўлганлар сони	145,4	137,4	138,8	133,6	138,4	-7,0	95,2
Никоҳ қурганлар сони	168,9	254,2	250,2	272,0	292,3	123,4	173,0
Ажралишлар сони	28,5	19,4	18,3	17,8	17,6	-10,9	61,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4-жадвалдан кўриниб турганидек, 1995-2011 йилларда туғилганлар сони 1,3 фоизга камайган, бироқ бу кўрсаткични 2008 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, туғилиш 9,9 фоизга кўпайганини кўриш мумкин.

Республикада умр кўриш давомийлигининг узайди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхшиланиши, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, даволаш масканларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборнинг катталиги туфайли Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичи нисбатан пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, 2011 йилда юртимизда ўлганлар сони 1995 йилга нисбатан 7,0 минг кишига ёки 4,8 фоизга қисқарган. Шу билан бирга, кўрилатган даврда никоҳ қурганлар сонининг ортгани, аксинча, ажралишганлар сонининг кескин камайгани ижобий демографик жараён ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтожларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарорига асосан вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади (5-жадвал).

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган фарзандлари бўлган оилалардан нафақа тайинланган оилалар сони 324,7 мингтага ёки 20,4 фоизга камайган. Бу даврда 2-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши 32,7 фоиздан 20,7 фоизга камайган. Бироқ таҳлил қилинаётган даврда вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларга тайинланган

ойлик нафақа миқдори 26 минг сўмдан 78,4 минг сўмгача ёки 3,01 марта ортган.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган фарзандлари бўлган
оилаларга нафақа тайинлаш ҳолати***

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Нафақа олувчилар сони, мингта оила	1591,5	1588,3	1585,1	1581,9	1266,8	-324,7	79,6
2-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши, фоизда	32,7	30,6	28,7	26,9	20,7	-12,0	-
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	26,0	34,8	46,6	56,9	78,4	52,4	301,5

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Юртимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сонли қарорининг қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади.

Бола парваришлаш учун нафақа, парваришлаётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тўланади (6-жадвал).

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ишламаётган оналарга 2 ёшгача
фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳолати***

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Нафақа олувчилар сони, мингта оила	750,9	689,6	633,3	581,6	486,2	- 264,7	64,7
2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши, фоизда	61,3	54,3	48,1	42,6	33,0	-28,3	-
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	42,5	56,6	75,3	99,0	128,4	85,9	302,1

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2007-2011 йилларда юртимиз бўйича ишламаётган оналардан 2 ёшгача фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчилар сони 264,7 мингтага ёки 35,3 фоизга камайган. Шу билан бирга, бу даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган, ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши 61,3 фоиздан 33 фоизга камайган. Бироқ, кўрилатган даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналарга тайинланган ойлик нафақа миқдори 42,5 минг сўмдан 128,4 минг сўмга ёки 3,02 марта кўпайган (-жадвал).

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни

ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробари бўлган миқдорда белгиланади.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилалар улуши йил сайин камайиб бормоқда (7-жадвал).

7-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилаларга
моддий ёрдам бериш ҳолати***

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	фоиз
Моддий ёрдам олувчи оилалар сони, мингта	221,0	214,5	208,2	202,1	165,4	-55,6	74,8
Жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олувчилар улуши, фоизда	3,3	3,2	3,1	3,0	2,4	-0,9	-
Ойлик моддий ёрдам миқдори, минг сўм	12,0	12,1	56,9	72,4	93,2	81,2	776,6

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

7-жадвалда изоҳланганидек, 2007-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича моддий ёрдам олган кам таъминланган оилалар сони 221 мингтадан 165,4 мингтага ёки 25,2 фоизга камайган. Бошқача қилиб айтганда,

кўрилатган даврда жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олган оилалар улуши 3,3 фоиздан 2,4 фоизга камайган. Бу даврда тайинланган моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 12 минг сўмдан 93,2 минг сўмгача ёки 7,76 марта кўпайган.

2011йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди.


Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминламоқда.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда (7-расм).


Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

7-расм.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ
доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан).**



Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга пасайди. Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.

Аҳоли пул даромадлари дифференацияси даражаси.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991-2011 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади (8-расм).

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида – 2007-2011 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди. Шу билан бирга, бу даврда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3 баробар ўсди.

Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда, 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди, шу

даврд аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1991-2011 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди (9-расм).

9-расм.

Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши.



9-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 1990 йилда ўртача даромадга эга бўлганлар аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда, уй ҳўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етгани

аён бўлди. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. Шу билан бирга, 2011 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди (8-жадвал).

8-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби,
фоизда**

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
1. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,4	78,1
Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,2	6,0
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,4	15,9
2. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	49,8	49,5
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	33,7	33,8
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,5	16,7

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1991-2011 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 81,1 фоиздан 78,1 фоизга, истеъмолдан ташқари харажатлар улуши 7,1 фоиздан 6,0 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 11,8 фоиздан 15,9 фоизга ортган. Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Аҳоли даромадлари даражаси ва фаровонлиги юксалиши уй-жой қурилишини жадал олиб борилиши учун мустаҳкам иқтисодий замин яратмоқда.

2. Уй-жой қурилишини давлат томонидан қувватлаш

Ўзбекистонда қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш ҳукумат эътибори марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади. Жумладан, 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиб, бу борада махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Президентимиз И.Каримов 2009 йилнинг 5 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мазкур дастур доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтди.


Маълумки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури 105 та бандни ўз ичига олувчи 9 та бўлимдан иборат эди.

Дастурнинг асосий йўналишлари, унинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгилаб берилган эди.

Дастурни амалга ошириш тўғрисида гапирганда, авваламбор, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. Хусусан, 2009 йилнинг 24 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ ва сув хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Қурилиш ишларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан қурилиш материалларига боғлиқ. Шунга кўра, 2009 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди. Умуман олганда, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастури доирасида 120 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширилди (10-расм).

Қурилиш материалларининг маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилиши, уларга берилган имтиёзлар натижасида қурилиш материаллари таннарининг сезиларли даражада пасайганлиги ва, энг муҳими, қурилиш материалларини сотиб олишда имтиёзли нархларнинг белгиланиши ўз навбатида уйлар нархининг пасайишига ҳам таъсир кўрсатди. Қурилиш материаллари харид қилишда берилган имтиёзлар натижасида уйлар қийматининг пасайиши ўртача 26-30 фоизни ташкил этди.



Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфланди. Дастурда режалаштирилган 67 автобус йўналишлари ўрнига амалда 102 та янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланди.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши борасида олиб борилаётган ишлар кўламига монанд равишда Наманган вилоятида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви

билан таъминлаш ишларига 2006-2013 йиллар мобайнида барча манбаалар ҳисобидан жами 1395,7 км ичимлик суви тармоқлари тортилиб, бу мақсадларга 37,8 млрд.сўм маблағлар сарфланди. Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2014 йил 1 январ ҳолатига 83,5 фоизга шундан қишлоқ жойларида 71,7 фоизга етди.

2007-2012 йилларда жами 37 та қишлоқ аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланиб, бу мақсадларга 9,5 млрд.сўмлик бюджет маблағлари сарфланди.

ПҚ-1455 сонли қарорга асосан 2011 йил дастуридаги объектларда жами 4399,7 млн.сўм, шу жумладан 4214,8 млн.сўм қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва Чуст туман Олмос ҚФЙ Бозорбоши МФЙ ҳамда Поп туман Уйғур ҚФЙ Уч уйли МФЙда ишлар якунланиб объектлар фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, Наманган шаҳар Бобуршоҳ кўчасидаги Д-500 мм магистрал сув қувурини алмаштириш ишларига 702 млн.сўм маҳаллий бюджет маблағлари сарфланди.

2012 йилда Худудий инвестиция дастурига асосан барча манбалар ҳисобидан йил давомида 147,0 км (*шундан қишлоқ жойларида 106,3 км*) ичимлик суви ва 60,0 км (*шундан қишлоқ жойларида 48,2 км*) табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилиб, барча манбалар ҳисобидан йил давомида 188,9 км (*шундан қишлоқ жойларида 160,4 км*) ичимлик суви ва 80,7 км (*шундан қишлоқ жойларида 58,6 км*) табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 20 та массивдаги янги қурилаётган намунавий турар-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишларига ва Косонсой тумани «Обод» сув иншооти объектларига 8201,8 млн.сўм маблағ ажратилган.

2012 йил якуни билан барча манбалар ҳисобидан 188,9 км ичимлик суви ва 80,7 км табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилиб, йиллик прогнозлар ортиғи билан бажарилди. Шунингдек, бюджет маблағлари

ҳисобидан 20 та массив ва Косонсой тумани «Обод» сув иншооти объектларида 8443,9 млн.сўмлик капитал маблағлар сарфланди ва 20 та объект фойдаланишга топширилди. Қолган «Обод» сув иншооти объектида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

2013 йил йилда Худудий инвестиция дастурига асосан барча манбалар ҳисобидан 185,4 км (шундан қишлоқ жойларида 155,4 км) ичимлик суви ва 60,0 км (шундан қишлоқ жойларида 48,2 км) табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 36 та объектларда жумладан, янги қурилатган намунавий турар-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш ишларига ва Косонсой тумани “Обод” ва Норин туманидаги “Ҳаққулобод-2” сув иншооти объектларига жами 10,2 млрд.сўм маблағ ажратилган. Ҳисобот даври якуни билан 34 та ичимлик сув объектлари фойдаланишга топширилиб, Косонсой туманидаги “Обод” ва Норин туманидаги “Ҳаққулобод-2” сув иншоот объектлари 2014 йилга ўтувчи объект ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун жами 11,0 млрд.сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилган.

Барча манбалар ҳисобидан 2013 йил давомида 799,1 минг кв.м. турар-жой, 185,4 км ичимлик суви ва 60,0 км табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилиб, ҳисобот даврида барча манбалар ҳисобидан 928,9 минг кв.м. турар-жой, 218,8 км ичимлик суви ва 66,0 км табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кенг кўламларда олиб борилмоқда. 2009-2011 йиллар давомида жами 1702 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган бўлса, мазкур қарорга асосан 2013 йил дастури доирасида вилоятда 34 та аҳоли пунктларида 700 та намунавий уй-жойлар қурилишига 92,0 млрд.сўм, шундан 67,0 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ва 25,0 млрд.сўм аҳоли маблағлари йўналтирилади.

Барча массивларга экологик хулосалар олиниб, лойиҳалари «Наманганинвестлойиҳа», «Намангансаноатлойиҳа», «Архдизайнлойиҳа» институтлари томонидан тайёрланди. Лойиҳалар давлат қурилиш

экспертизасидан ўтказилиб, 700 та уйлар 69 та лотларга бўлиниб тендер савдоларига қўйилди. Тендер савдоларида 200 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари қатнашиб, булардан 69 та пудрат ташкилотлари тендер ғолиблари деб топилди. Ушбу пудрат ташкилотлари билан жами 94695,2 млн. сўмлик шартномалар имзоланди.

2013 йилда қуриладиган 700 та уйларга фуқаролар билан асосий шартномалар тузилди.

2013 йил якунида 700 та якка тартибда уй-жой қурилиши ҳисобидан, Мингбулоқ туманида – 4,6 млрд. сўмлик; Косонсой туманида – 11,8 млрд.сўмлик; Наманган туманида – 11,0 млрд. сўмлик; Норин туманида – 4,4 млрд.сўмлик; Поп туманида – 10,8 млрд.сўмлик; Тўрақўрғон туманида – 9,8 млрд.сўмлик; Уйчи туманида – 9,9 млрд.сўмлик; Учқўрғон туманида – 10,1 млрд.сўмлик; Чортоқ туманида – 10,1 млрд.сўмлик; Чуст туманида – 9,9 млрд.сўмлик; Янгикўрғон туманида – 10,9 млрд.сўмлик, жами бўлиб, вилоят бўйича – 103,4 млрд.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 700 та ёки 97,4 минг кв.м. ҳажмида турар-жой уйлари фойдаланишга топширилиши таъминланди.

3. Банк-кредит тизимининг қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги иштироки

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 118 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши имкониятлари мавжуд эди.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда қурилаётган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ипотека – кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарзни таъминлашга хизмат қилувчи гаров. Ипотека кредити – кўчмас мулк гарови остида банк томонидан берилувчи кредит. Аксарият ҳолларда кўчмас мулкни сотиб олиш учун кредит олишда шу кўчмас мулкнинг ўзи банкка кредитни қайтариш кафолати сифатида ипотека (гаров) бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 148-сонли қарорига биноан якка тартибда уй-жой қуришга узоқ муддатли ипотека кредити беришнинг асосий шартлари қуйидагича белгиланган:

- ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга берилади;

- ипотека кредити миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда белгиланади;

- ипотека кредитидан фойдаланганлик учун банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк кредит комиссияси (қўмитаси) томонидан ижобий қарор қабул қилинган кундаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоизлар ундирилади;

- фоизлар қарз олувчи томонидан унинг олган ипотека кредити тўлиқ тўлангунгача кредит бўйича қарзларнинг амалдаги қолдиғига ҳисоблаб қўшилади.

Ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда қайтарилиш, тўлиқлик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчига берилади:

- қишлоқ жойларда яшайдиган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

- охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга;

- барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг ва/ёки бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ва/ёки барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи суммасидаги қурилиш материаллари қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;

- кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

Қарз олувчи ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаш учун ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бунда бошланғич бадал суммасининг бир қисми ёки унинг жами суммаси қарз олувчининг иш берувчиси ҳисобланадиган юридик шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарз олувчининг номига банкда очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

Берилаётган ипотека кредити миқдори қарз олувчининг тўловга қодирлигини баҳолашдан ҳамда қурилаётган уй-жойнинг смета қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ҳамда у энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан, шунингдек қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Ҳукумат томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

- солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;

- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;

- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Қишлоқда уй-жой қурилишини молиялашда бошқа тижорат банклари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Чунончи “Агробанк” акциядорлик тижорат банки – иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш

тўғрисида»ги қарори асосида «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакллантирилган

III боб. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг такомиллаштирилиши

1. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни давлат томонидан рағбатлантириш

Юқорида кайд этилганидек, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Мазкур устувор йўналиш «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ҳам акс этди ва унда нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган эди.

Ушбу дастурдаги барча мақсадли вазифа ва параметрларнинг пировард натижада бажарилиши учун бутун масъулият ҳудудий комиссиялар зиммасига юкланиб, конкрет дастурларда белгиланган вазифалар ҳар қайси ҳудуд бўйича қандай ижро этилаётганига қараб, мутасадди шахсларнинг ушбу дастур орқали қўйилган вазифани қай даражада тушуниши ва бажарилишини таъминлаши, қисқача айтганда, уларнинг замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони пайдо бўлади.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жихатдан

уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва кўриб чиқиш лозим бўлди.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга қўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шакллари қарор топтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало Ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топтоғи лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта қисқарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳолиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишда ер участкаларини ноқишлоқхўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизимини ва қурилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, қишлоқ яшаш жойларини бош схема ва архитектура

лойиҳалари асосида қуриш, махсус лойиҳалаштириш ташкилотини, махсус қишлоқ қурилиш банки, махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари қабул қилинди.


Жумладан, қишлоқда аҳоли жойлари архитектураси ва қурилишни лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу борада намунали уй-жойлар лойиҳаларини эксперимент сифатида Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақолпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида янги илғор қурилиш технологиялари асосида амалга оширилиши эътиборга моликдир. Айтилган пайтда, мазкур тадбирларни оммага кенг ёйиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада ўзаро мусобақалашув руҳини шакллантириш мақсадида «Энг яхши қишлоқ» номи танловнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб тонилади.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш билан боғлиқдир. Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббиёт техникаси ва аппаратуралар билан таъминлашни тақозо этади.

Қишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 2009-2013 йилларда кўплаб объектларни ишга туширилди (11-расм).

Бу эса қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъинланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратади.

**2013 йилда қишлоқ жойларида ишга тушириш кўзда тутилган
таълим тизими ва болалар спорт объектлари, дона**



Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтаришда қуйидаги йўналишлардаги ишларни кучайтириш кўзда тутилмоқда:

- қишлоқ жойларда жойлашган меҳрибонлик ва мурувват уйлариининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғига улаш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2013 йил 4 январдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1902-сонли қарори ижро этиш борасида Наманган вилоятида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Дастурга асосан 2013 йил давомида вилоятнинг 11 та туманини 34 массивларида 700 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши белгиланган.

Мазкур уй-жойларни қуриш учун «Наманганинвестлойиха», «Намангансаноатлойиха» ва «Архдизайнлойиха» институтлари томонидан лойиха таклифлари тайёрланиб, экспертизадан ўтказилган. Намунавий лойихалар асосидаги 700 та уй-жойларни қуриш учун 200 дан ортиқ пудрат ташкилотлар томонидан тендер савдоларида иштирок этиб, 69 таси ғолиб бўлишган. Ушбу пудрат ташкилотлари билан жами 94,7 млрд сўмлик шартномалар имзоланган.

Ушбу уй-жойларнинг эгалари аниқланиб, 26,2 млрд сўм бошланғич ва 30,9 млрд сўм якуний бадал маблағлари белгиланган муддатларда тўлиқ шакллантирилган. Уй-жой қурилиш ишларига Қишлоқ қурилиш банк томонидан 63,8 млрд сўм кредит маблағлари ажратилган.

Қурилиш-монтаж ишларига асосий турдаги материаллардан 5,4 минг м³ (70,4%) ёғоч, 83,3 минг м² (100%) ДСП ва 243,0 минг м² (100%) черепица маҳсулотлари пудрат корхоналарига етказиб берилди.

2013 йил якунида 700 та якка тартибда уй-жой қурилишига жами 103,4 млрд сўм жумладан, Мингбулоқда 4,6 млрд сўмлик, Косонсойда 11,8 млрд сўмлик, Наманганда 11,0 млрд сўмлик, Норинда 4,4 млрд сўмлик, Попда 10,8 млрд сўмлик, Тўрақўрғонда 9,8 млрд сўмлик, Уйчида 9,9 млрд сўмлик, Учқўрғонда 10,1 млрд сўмлик, Чортоқда 10,1 млрд сўмлик, Чустда 9,9 млрд сўмлик ва Янгиқўрғонда 10,9 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Амалга оширилган ишлар натижасида 700 та ёки 97,4 минг кв.м. ҳажмида турар-жой уйлари далолатномалар асосида фойдаланишга топширилган.

2013 йилда вилоятда 16 та бозор ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши режалаштирилган бўлиб, инфратузилма объектларини барчаси қуриб битказилиб фойдаланишга топширилган. Жумладан, 2 та гузар (Наманган ва Янгиқўрғон), 5 та савдо шохобчалари (Косонсой, Тўрақўрғон (2та), Чуст ва Янгиқўрғон), 2 та нон цехи (Мингбулоқ ва Чуст) ва 7 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари (Косонсой (2 та), Тўрақўрғон (2 та) ва Чортоқ (3 та)), жами 16 та шохобчалар фойдаланишга топширилган.

2013 йил дастуридаги қишлоқ массивларида йўл қурилиши режаси 19,575 км, объект қиймати 7482,9 млн сўм бўлиб, 654,3 млн сўмлик ишлар яъни 0,780 км асфальтлаш (Наманган туманидаги Қурама массиви) ҳамда 17 км йўл асосини шағаллаш ишлари бажарилган.

Шунингдек, 34 та массивларда 43,1 км (100%) тоза ичимлик суви, 18,3 км (100%) электр ва 27,1 км (100%) табиий газ тармоқларини тортиш ишлари тўла бажарилган.

2. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашнинг такомиллаштирилиши

Қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш лойиҳасининг бошланиши билан унинг биринчи йилидаёқ ушбу мақсадларга молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли «Қишлоқ қурилиш банк» очик турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида «Қишлоққурилишбанк» ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас ва гўзал Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Эл-юрт ободлиги ва фаровонлигини

таъминлаш барча соҳадаги ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсади этиб белгилангани, халқимиз ўртасида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чуқур мазмунли ҳикмат тобора кенг тарқалиб, одамларимиз ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшаётгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги тароватида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида янги пайдо бўлган ҳамда янги аср қишлоқлари деб юритилаётган кўркам ва чиройли, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз ва барака ҳукмрон аҳоли манзиллари мана шундай олижаноб мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси, юртимизни дунёга танитишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётганидир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун қишлоқ тимсолидан бошланади. Шу боис ҳам қишлоқларимизни ривожлантирмасдан мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлаб бўлмайди.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳақиқатнинг моҳияти охиригача тушуниб етилмаганига, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, бу ерда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаки қаралганига гувоҳ бўламиз. Бундай шароитда қишлоқ аҳолисида ўз турмуш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқларни обод қилиш имкониятлари чекланиши табиий эди. Шу тариқа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича қишлоқ билан шаҳар ўртасида катта тафовутлар юзага келган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсати изчил амалга оширила бошланди. Қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бандликка доир ва бошқа қатор давлат дастурлари қабул

килиниб, қишлоқларда замонавий уй-жойлар, тиббиёт, таълим ва спорт объектлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этишга катта маблағлар йўналтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилнинг мамлакатимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниши ва “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”, деган эзгу ғояни ўзида ифода этган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва изчиллик билан ҳаётга жорий қилинаётгани бу соҳада янги даврни бошлаб берди. Мазкур дастурга биноан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг сифатини янада яхшилаш мақсадида қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Мазкур институт томонидан қишлоқ жойларида барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2009 йилнинг сентябрь ойида ва 2010 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчиликка намойиш этилди, улар атрофлича муҳокамалардан ўтказилиб янада такомиллаштирилди.

Қурилишда кўзланган мақсадга етишишнинг асосий омиллари орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа экани маълум. Шу маънода Президентимизнинг замонавий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини яратиш ва уларни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз мамлакатимиз вилоятларига ташрифи чоғида дастлаб қурилган уйлар билан бевосита танишиб, уларнинг афзал жиҳатларини

эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий таклиф ва тавсияларини билдирди. Бу муҳим масала Юртбошимиз раҳбарлигида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. 2010 йил 17 июнда Президентимизнинг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгартириш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларида ҳар бир иморат қурувчига 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча минтақасида танлаб олинган намунавий лойиҳалар асосида уч, тўрт ва беш хонали уй-жойлар шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб бунёд этилмоқда. Янги уй-жойлар лойиҳаларида сиртдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга барча жиҳат, инсоннинг энг нозик эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 март куни имзоланган қарори асосида тузилган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки қишлоқларимиз қиёфасини замонавийлаштириш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги ишларни маблағ билан таъминлаш, бу соҳада узоқ муддатли имтиёзли кредитлашни амалга ошириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда имзоланган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан уй-жой шароитини яхшилаш ниятида бўлган фуқароларга катта имтиёз ва қулайликлар яратилди, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш механизмлари шакллантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ, “Қишлоқ қурилиш

банк”нинг “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида ўз бўлимига эга бўлган мазкур компания намунавий лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар томонлама пухта ўйланган бу ноёб тизим халқимиз орзу ва ниятларининг рўёбга чиқиши, кўркам, шинам, инсон ҳаёти учун зарур барча шароит муҳайё этилган замонавий уйларга эга бўлишида кенг имкониятларни яратаётир. Бугунги кунда янги уйга эга бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси уй қурилишида фақат ўз маблағи билан иштирок этади, холос. Яъни, дастлаб намунавий лойиҳа асосидаги уй нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва сўнг қурилиш жараёнини назорат қилиб боради. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Янги уй-жойларни барпо этишни молиялаштиришни ташкил этиш ва қурилишининг бориши устидан техник назорат ўрнатиш, банк томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш асосида намунавий лойиҳалар бўйича қурилган уй-жойларни аҳолига топшириш ҳам “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси зиммасига юклатилган.

Мана шундай тизим асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2009-2012 йилларда 23,6 минг замонавий уй-жой барпо этилди. 2013 йил – Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш белгиланган бўлиб, 10 мингта уй-жойни барпо этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Шу мақсадда йил охиригача 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилади.

Бундай кенг кўламдаги эзгу ва хайрли ишларни иқтисодиёти жадал ривожланаётган, инсон, унинг манфаатлари олий қадрият ҳисобланган мамлакатдагина амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг

Ўсиш суръатлари бўйича дунёдаги энг жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётида ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор суръатлар билан ривожлантириш изчил давом эттирилди, ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, замонавий уй-жойлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари асосида бунёд этилмоқда. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси, “Ўзметкомбинат” акциядорлик бирлашмаси, “Ўзмонтажмахсусқурилиш” уюшмаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, металлопрокат, пишиқ ғишт, иситиш жиҳозлари, ойна сингари қурилиш материаллари қурувчиларга имтиёзли нархларда ўз вақтида етказиб берилмоқда. Биргина цементни оладиган бўлсак, 2012 йили бунёдкорлик ишлари учун 410 минг тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулот етказиб берилган.

Мамлакатимизда авж олган кенг кўламдаги қурилиш ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга туширилаётгани бу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Юртимизда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми тобора кенгаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда йилига 3 миллиард дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 800 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Янги лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойлар учун йилига 450 миллион дона атрофида пишиқ ғишт ишлатилмоқда.

Қурилиш ишларида қўлланилаётган материалларнинг сифати доимий назоратга олинган. Уй-жойлар қурилишида экологик жиҳатдан тоза, узоқ муддатли, самарали, энергияни тежайдиган қурилиш материалларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, боғловчи маҳсулотлар, яъни цемент, оҳак, гипс билан бир қаторда қурилиш қоришмаларидан ҳам самарали фойдаланилаётир. Бугун юртимизда ана шундай қоришмалар ишлаб чиқарувчи

корхоналар сони қирқдан ошди. Мухандислик коммуникациялари учун илгари фойдаланиб келинган металл қувурлар ўрнини замонавий полимерлардан тайёрлангани эгаллаган бўлса, девор ва шифтлар учун пластик панеллар, хоналарни иситишда чўян ва алюминийли радиаторлар ишлатилмоқда. Томлар эса металл черепицалар билан ёпилаётир. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан етказиб берилмоқда.

Умуман олганда, тармоқ корхоналари кейинги йилларда ўттиздан ортиқ турдаги янги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бугунги кунда атиги икки хил материал – тахта ва томлар черепицаси учун металл листларигина импорт қилинади. Айни пайтда корхоналарнинг экспорт салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Агар 1995 йилда фақат цемент ва шиша буюмлар экспорт қилинган бўлса, ҳозир хорижга сотилаётган маҳсулотларнинг тури ўттиздан ошди. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси корхоналарида бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда. “Бекободцемент” акциядорлик жамиятида янги линия ишга туширилди. Натижада мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми яна 1 миллион тоннага ошиб, бу ерда қарийб 100 янги иш ўрни яратилди. Жиззах вилоятида йилига 350 минг тонна оқ цемент, 750 минг тонна портландцемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича сармоявий лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Фарғона шаҳрида сопол плиткалар, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида йилига 2,1 миллион квадрат метр бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Санитар-техник сопол буюмлар, керамагранит маҳсулотлари, керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қишлоқ массивларида уй-жойлар билан бир қаторда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла марказлари, савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш объектлари бош режа асосида комплекс тарзда қурилмоқда. Давлат маблағлари ҳисобидан ичимлик суви,

электр ва газ таъминоти, коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда давом эттирилмоқда.

Қишлоқда уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишини жадал ривожлантириш дастури аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ долзарб масалани ҳал қилиш имконини ҳам бермоқда. Бугунги кунда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишида ўн минглаб юртдошларимиз меҳнат қилмоқда. Янги аҳоли манзилларида замонавий ихчам корхоналар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхоналарда маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ ёшлари коллежларда билим ва малака эгаллаб, ана шундай корхоналарда ишламоқда. Бундай изчил чоратadbирлар глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирининг олдини олиш имконини бераётир. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида кўплаб давлатларда мавжуд иш ўринлари ёпилиб, ишсизлик даражаси ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда 2012 йилда очилган бир миллиондан зиёд янги иш ўрнининг ярмидан ортиғи қишлоқ жойларида яратилганлиги дастурлар ижросининг муҳим натижаси бўлди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий муносабатлар шаклланди ва ушбу муносабатлар ҳозирги кунда янада такомиллашиб бормоқда. Молия-кредит тизимида тижорат банклари томонидан ажратиладиган ипотека кредитлари шундай муносабатлардан биридир. Ўзбекистон Республикасида ипотекани амалга ошириш ишлари Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланишича, ипотека кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, корхоналар, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари) гаровидир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда аҳоли томонидан уй-жойлар қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш учун зарур бўлган молиявий маблағлар билан таъминлаш ва уларга узоқ муддатли ипотека кредитларини бериш масалалари

билан мустақилликнинг дастлабки йилларида “Уйжойжамғармабанк” ва “Замин” банклари шуғулланиб келдилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойилнинг бири аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш эканлиги, шунингдек мамлакатимизда ёш oilалар сонининг ортиб бориши, янги уй-жой қуриш борасида олиб борилаётган ишларнинг сезиларли даражада ривожланмаганлиги ва бошқа шу каби ҳолатлар ушбу банкларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уйжой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” ги қарори асосида “Уйжойжамғармабанк” ва “Замин” тижорат банкларини бирлаштириш асосида “Ипотека-банк” акциядорлик-тижорат ипотека банки ташкил этилди.

Ўзбекистонда тижорат банклари кредит портфели таркибида ипотека кредити билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар 2005 йилдан ривожлана бошлади. Ушбу муносабатларнинг ривожланишига 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни муҳим ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қонун қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда ипотеканинг ривожланиши сезиларли даражада ошди. Ушбу Қонуннинг қабул қилинишидан аввал Ўзбекистон Республикасида ипотека муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилар эди. “Ипотека тўғрисида”ги Қонунда эса, ипотека тўғрисидаги асосий қоидалар, уни бериш тартиби, ипотека шартномаси бўйича кредитор ва қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гаровга қўйилган мол-мулкни асраш ва мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги ҳамда ипотека ҳақидаги бошқа қатор қоидалар ўрнатилди.

Қонунга кўра вужудга келадиган ипотека қонун асосидаги ипотека дейилади. Жумладан, қонун асосидаги ипотека, банк ҳисобидан уй-жой ёки

хонадон сотиб олинганда ёки кўчмас мулкни рента шартномаси асосида, шунингдек, умрбод таъминлаш шартномаси асосида берилганда вужудга келиши мумкин.

Қонун асосидаги ипотекага нисбатан, қоида тариқасида, шартнома асосида вужудга келадиган ипотека тўғрисидаги меъёрлар қўлланилади.

“Ипотека тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг, ипотека фуқаролик ҳуқуқи институтлари ичида мустаҳкам ўрин эгаллади ва уй-жой олишда ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кредитлашда кенг қўлланила бошлади.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан ёш оилаларга ипотека кредити олишда бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг шахсий уй-жой куриш ёки кўп қаватли уйдаги хонадонни сотиб олиш ва таъмирлаш учун олинadиган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларини қоплаш учун йўналтирилган суммасига даромад солиғи ҳисобланмайди. Солиқ бўйича берилган имтиёз ипотека кредитини олиш ва уни қайтаришда кредит олувчилар учун ниҳоятда катта қулайликлар яратади, чунки кредит беришда банк томонидан қарз олувчининг тўлов қобилияти ва кредитни қайтариш имкониятлари таҳлил қилиш жараёнида берилган ушбу имтиёз ҳисобига ёш оила аъзолари даромадларининг ошиши назарда тутилади.

Қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта

ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало, ёшлар ўртасида бандликнинг ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарори билан “Қишлоқ. тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Мазкур Давлат дастурида қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, ривожлантириш ва қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши, қишлоқдаги турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳалар бўйича барпо этилишини назарда тутувчи қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш лозимлиги белгилаб берилди.

Қишлоқ жойларда намунавий асосда якка тартибдаги уй-жой қурилишига “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли кредит беришни тартибга солиш мақсадида 2009 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 148-сонли “Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик-тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан тасдиқланган Низом қишлоқ жойларда намунавий асосда қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларни аҳолига ипотека кредитлари ҳисобидан бериш шартларини, ипотека кредитини расмийлаштириш тартибини, ипотека кредитини бериш ва тўлаш тартибини ҳамда аҳолига берилган ипотека кредитларини мақсадли ишлатилиши устидан мониторинг ўрнатиш тартибини белгиланди.

Юқоридаги қонун ҳужжатларининг фаол ижроси самараси ўлароқ, республикамизнинг барча минтақаларида, жумладан, қишлоқ жойларида замон талаблари даражасида намунавий асосда якка тартибдаги уй-жойлар қуриб битказилиб, ўз эгаларига, шу жумладан, ёш оилаларга топширилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан республикамызда ёш оилаларга ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунга асосан мамлакатимизда миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда, ёшлар ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланаяпти, миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси мустаҳкамланмоқда, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари танлиб олишлари кафолатланган, жамиятни ривожлантиришга аниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшлар бевосита иштирок қилмоқдалар.

Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалаларга эътибор янада кучаймоқда.

2008 йил 18 майда юртбошимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди⁵. Ёшлар ижтимоий марказлари қошида “Ёш оила” клублари ташкил этилган. Бу клубларнинг республика бўйича ўтказилган мониторингига кўра, “Камолот” ЁИХ бўлимлари кўмаги билан 2150 та ёш оилага 1,8 млрд сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилган, 2282 та оила 1 млрд 80 млнга яқин сўмлик истеъмол кредитини олишга муваффақ бўлган⁶.

Вилоятлар ва шаҳарларда ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказларда ёш йигит ва қизлар, энг аввало мактаб ўқувчилари учун ўз келажагини, қайси касб эгаси бўлишини белгилаб

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш-бизнинг бош мақсадимиз. Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабр

⁶ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Халқ сўзи. 2012 йил 20 январ

олишда, муайян соҳа бўйича малакасини оширишда кўмак берадиган бепул курслар очилган. Шунингдек ушбу марказлар қошида ёш фермерлар марказлари “Ёш оила” клублари, ҳукукий маслаҳат хоналар фаолият олиб бормокда.

2008 йилда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига давлат томонидан 46 млрд сўмлик ипотека кредити ажратилди 67 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 2430 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди.

2008 йилда “Меҳрибонлик” уйлари битирувчиларини оилавий турар жой билан таъминлаш тизими яратиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилди.

2012 йилда “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Юртбошимиз таъкидлаганидек “Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўп қаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмокда.

2012 йил 2400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, 2013 йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 млрд сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди”.

Юртбошимизнинг 2012 йил 19 январида Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида “Қишлоқ жойларида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлагандан буён, яъни сўнги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй жойларга эга бўлди. Фақат 2012 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400та хусусий уй қуриб битказилди.

Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2

млрд 200 млн АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда”.⁷

Ушбу уй-жойлардан ёш oilаларга ҳам имтиёзли кредитлар асосида берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек “Вилоятда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида турар –жой массивларини комплекс қуриш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Ўтган уч йил мабойнида 32 та массивда 1 минг 160 уй-жой, 43 километрдан зиёд газ тармоғи, 70 километр сув тармоғи, 30 километр электр тармоғи, 35 километр автомобил йўллари ва бошқа инфратузилма объектлари билан бирга қуриб фойдаланишга топширилди”.³

“Мустаҳкам oilа йили”да вилоятнинг 20 та қишлоқ массивида 650 та уй-жой барпо қилиниб, ўз эгаларига тайёр холда топширилди.

Бу уй эгаларининг кўпчилиги ёш oilалардир. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қулай ва обод уйларда ёшларнинг кайфияти ва қарашлари, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда.

Бундай уйлар хонадон бекалари- аёлларимизни оғирини енгиллаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга, турмуш шароитини яхшилашга олиб келади, албатта.

2013 йил давлат бюджетида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш учун қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қуриш дастурини рўёбга чиқариш доирасида 326 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий уйлар қуришни таъминлаш учун 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шунингдек ёш oilаларга рўзғор буюмлари, маиший анжомлар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилмоқда.

⁷ Каримов И.А. Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаси. Ишонч. 2012 йил 11 октябр, 123 сон

Буларнинг ҳаммаси ёш оилаларнинг турмушини фаровон, ҳаётларини мазмунли ва чиройли қилмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ҳар йили қабул қилинаётган ижтимоий дастурларда ёш оилаларнинг моддий ва маънавий аҳволини янада яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

Шунинг билан бир қаторда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муайян қийинчилик ва муаммолар мавжуд.

Биринчидан, банклардан имтиёзли кредитлар олишда кафолат ва гаров талаб қилинади ва турли асоссиз сабаблар кўрсатилиб, кредит олиш муддатининг чўзилиб кетиш ҳолатлари мавжуд.

Иккинчидан, ёш оилалар қурилмаган уй-жойлар учун пул тўлашади, унинг қурилиши ҳам чўзилиб кетаяпти ва ишлар сифатсиз бажарилаяпти. Шунинг учун уй-жойлар қуриб битказилгандан кейин пул тўланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Учинчидан, ёшларни иш билан таъминлаш дастурларининг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш лозим.

Тўртинчидан, ёшларни маънавий, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш долзарб вазифа ҳисобланади.


Мухтасар айтганда, давлатимиз томонидан кўрилаяётган чора-тадбирлар мамлакатимизда ипотека муносабатларининг халқаро талабларга мос равишда ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

3. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадал ривожлантириши истиқболлари

Қишлоқ аҳолисининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига замонавий тус бериш кўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифа ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мана беш йилдирки, қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг пухта ижросини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилмоқда. Яъни, қишлоқларимиз ҳаёт сифати, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савияси, онги ва фуқаролик масъулияти ошишининг мустаҳкам ташкилий асосга қўйилишида замонавий уй жойлар курилишига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим ўрин тутмоқда.⁸ Бунда, белгиланган вазифаларни мутасадди шахсларнинг тушуниш ва ижро этиш масъулиятига қараб замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга уларнинг қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони ҳам ортмоқда (12-расм).

12-расм.




Бинобарин, замонавий уй жойлар қурилиши ва мазмун-моҳияти билан қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгартирилиши борасидаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ узоқ муддатли кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишининг жадаллашувига зарур шарт-шароитларни яратади. Яъни, булар орқали фермер хўжаликлари ривожига ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, қишлоқда мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат Дастури тўғрисида» ги Қарори.

яратилмоқда.⁹

13-расм.



Энг муҳими, қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узок истикболга мўлжалланган, лойихалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жихатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди. Бундай база Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

⁹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби.// Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

Қишлоқларимиз ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуасини қуйидаги натижаларга олиб келди уларни янада мустаҳкамламоқда.

Биринчидан, уй жойлар қурилиши билан боғлиқ тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди ва мустаҳкамланди.

- Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш режаларига, санитария талаблари ва қурилиш нормаларига риоя қилиниши устидан катъий тизимли назорат ўрнатиш белгиланди¹⁰. Худудларда аҳолини жойлаштириш, худудларни режалаштириш ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизимини тезлаштиришга эътибор ортиди¹¹.

- Махсус муассаса “Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа” лойиҳа-тадқиқот институти тўлақонли фаолият бошлаши тезлашиши учун юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамланиб, аниқ ва равшан вазифалар белгиланди¹².

- Қурилиши бўйича белгиланган чора-тадбирларни манфаатдор тузилмалар билан биргаликда амалга ошириш учун ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган “Қишлоқ қурилиш банк” ташкил этилди. Инвестиция дастури доирасида “Қишлоқ қурилиш банк”ка молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизмини белгилаш юкланди¹³. Ихтисослаштирилган “Қишлоқ қурилиш инвест” буюртмачи компанияси ва жойлардаги филиалларга мамлакатимиз бўйича янги уй-жой массивлар қурилиши ва эгаларига калит билан топширилишида мутассаддилик топширилди¹⁴.

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар,

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси.

¹¹ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли “Замонавий архитектура - шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги Ф-148-сонли “Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу худудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида”ги фармойиши.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган “МЧЖ Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисида” Қарори.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли “Қишлоқ қурилиш банк” очик турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори

¹⁴ 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1167-сонли «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналар ташкил этилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш механизми кўриб чиқилди.

- Қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.

Иккинчидан, Худуд ва минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош режалари ишлаб чиқиши таъминланди.

Учинчидан, қишлоқ жойларда барпо этилган объектларни қуришда янги меъморий бош режа ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлинди. Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлардан фойдаланишга эътибор ортди¹⁵. Шунингдек, махсус дастурлар асосида «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ташкил этилди. Пишиқ ғишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этилди, мавжуд норуда конлари қайта тикланди ҳамда реконструкция қилинди. Замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Янги қурилишларда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологиялар кенг жорий этилди¹⁶.

Тўртинчидан, қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйлар, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғи (қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш тўғрисида» ги Фармони

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сонли «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори.

шоҳобчалари ва бошқа тузилмалар эга бўлинди. Бу кишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлмоқда¹⁷.

Бешинчидан, кишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топилди. Яъни, кишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларда турли имтиёз ва қулайликлар таъминланди.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш учун берилган имтиёзлар (2014 йил 1 январгача)		
<i>Ташкилот номи</i>	<i>Имтиёз</i>	<i>Меъёрий асос</i>
1.Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари	Барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.08.2009 й. N ПҚ-1167 «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги банд
2. Янгидан	Тузилган шартномалар	Ўзбекистон Республикаси

¹⁷ Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ташкил этилатган таъмирлаш- қурилиш ташкilotлари ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК билан ишлайдиган инжиниринг корхоналар	бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкilotлари солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно	Президентининг 29.01.2009 й. N ПҚ-1051 «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда 22.12.2009 й. ПҚ- 1245-сон Қарори таҳриридаги хатбоши.
3."Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки	Фойда ва мулк солиғи, шунингдек олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади, бўшайдиган маблағлар Ўз Рес/ Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.03.2009 й. N ПҚ-1083 "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори.

Аввало, уй-жой куриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан хўжалик субъектлари тасарруфида қолдириладиган маблағ айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги махсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилиши таъкидланди¹⁸.

Қуриладиган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди¹⁹.

Олтинчидан, қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида ўн минглаб янги иш ўринларини яратишдек, жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларида фаол иштироки таъминланмоқда. Қолаверса, мазкур дастур мамлакатимиз учун долзарб бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалалари ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Замонавий уй-жойлар ва коммуникация тармоқларини барпо этиш учун энг сўнги фан-техника ютуқлари ҳамда технологияларга таянадиган, мустақкам моддий-техникавий базага эга қурилиш ташкилотлари талаб этилади. Қишлоқ аҳолисига қурилишни комплекс тарзда ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилган. Ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш, қишлоқ аҳоли пунктларида янги уй-жойларни қишлоқ фуқаролари билан «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сонли Қарори.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган 148-сонли Қарори.

функцияларини асосида бажариш, пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида қурилишни ташкиллаштириш, танланган ер массивларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини ташкиллаштириш ва намунавий лойиҳа бўйича бино қурилиши юзасидан назорат этиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чора-тадбирлар дастурида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларида маҳсулотлар таннархини 20 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 18 фоизга, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибига кирувчи корхоналарда 20-25 фоизга камайтгани ижобий ютуқларимиз сирасига киради.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларнинг лойиҳа-смета қийматини камайтиришда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Уй-жой қийматининг арзонлашуви миллионлаб ватандошларимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари, эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Уй-жойларнинг нархларини оптималлаштирилиш мақсадида қурилаётган уй-жойларда ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари:

- цемент ва металл прокатлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан имтиёзли нархларда олинмоқда;
- пишган ғишт ва том ёпиш материаллари бозор нархларидан 25-30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда бевосита ишлаб чиқарувчилардан олинмоқда.

Қурилиш материаллари нархларини арзонлаштириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси томонидан йилига 300 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 млн. кв. метр том ёпиш материаллари ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилди. Булар натижасида:

- уй-жойлар таннархининг асоссиз ўсишига йўл қўйилмайди;

- қурилиш индустриясининг моддий-техник базаси мустахкамланади, рақобатбардош сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қуйилади;
- 500 дан ортиқ янги ишчи ўринлар яратилди.

Қурилатган уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг таннархини арзонлаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компания билан намунавий лойиҳалар асосида уй-жойларнинг қурилиши учун «тайёр ҳолда топшириш» шартларида шартнома тузган барча пудратчи ташкилотлар солиқларнинг барча турларини тўлашдан (пенсия жамғармасидан ташқари) озод этилган. Бундан ташқари янгидан ташкил этилатган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига:

- айланма маблағни шакллантириш ва янги қурилиш техникаси сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- четдан олиб кириладиган қурилиш техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар жорий этилган.

Ҳукумат саъй-ҳаракати билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва пудратчи ташкилотларни арзон қурилиш материаллари билан таъминловчи 131 та махсус фирма дўконларини ташкил этилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига асосан 120 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган кенг қамровли тадбирлар натижасида ҳар бир уй-жойнинг таннархини 8-10 млн. сўмга камайтирилишига эришилди. Бу эса қишлоқ аҳолисини арзон, шинам ва барча қулайликларга эга замонавий уй-жойлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларни, маҳаллий қурилиш ва норуда материаллари борлигини, мавжуд қурилиш индустриал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ 31 та уй-жойларининг ва 16 та ижтимоий-маданий, санитария-маиший

объектларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва комиссия томонидан баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 1167-сонли қарори ижроси бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қуйидаги вазифалар белгиланди ва бажарилди:

- 2009 йил учун қишлоқ туманларида ажратилган 42 та ер массивларида умумий майдони 95,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 58,5 млрд. сўмни ташкил этган жами 847 та уйни 2010 йил декабрь ойигача намунавий лойиҳалар асосида қуриб, фойдаланишга топшириш;

- 2010 йил дастури доирасида 159 та қишлоқ туманларининг 215 та ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 860,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 472,6 млрд. сўмни ташкил этган 7630 та уй-жойлар қурилади.

Мазкур ишлар натижасида, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда.

4. Мавзунинг ўқитиш методикаси

Мавзу: Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришнинг долзарб масалалари

Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	<i>Талаблар сони: 20 – 80 гача</i>
<i>Машғулот шакли</i>	<i>Муаммоли маъруза</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Уй-жой билан таъминланганлик аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи сифатида. 2. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашнинг зарурлиги. 3. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши. 4. Аҳоли даромадлари юксалиши. 5. Уй-жой қурилишини давлат томонидан қувватлаш. 6. Банк-кредит тизимининг қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашдаги иштироки
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ҳақида билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришдаги вазифалар билан таништириш; • Молиялаш манбаларидан самарали фойдаланиш аҳамиятини ёритиб бериш; • муаммони шакллантириш; • муаммо ости муаммоларни ажратиш; • муаммо ости муаммоларни ва умуман муаммони ечиш жараёнининг кетма-кетлигини	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Мамлакатни модернизациялаш шароитида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини молиялашни кенгайтиришдаги вазифалар ҳақида гапириб беради. • Молиялаш манбаларидан самарали фойдаланиш чоралари мазмуни ва аҳамиятини ёритиб беради. • муаммони шакллантириш жараёнига ҳисса қўшилади. • муаммо ости муаммоларни ажратиш жараёнида қатнашилади. • муаммо ости муаммоларни ва умуман муаммони ечиш кетма кетлигини

	ташқил қилади. Талабалар билан таҳмин қилинган ечимларни мунозара қилади ва уларда пайдо бўлган қийинчиликларни аниқлайди. 2.5 Машғулоти ташқил қилиш учун қўшимча саволлар ва хулосалар ва кўргазмали материаллардант фойдаланади . Муаммо бўйича якуний хулосани шакллантиради.	
3-босқич. Якуний (15 дақиқа)	3.1. Машғулоти бўйича якунловчи хулосалар қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ: тестларга ёзма равишда жавоб бериш.	Топшириқни ёзишади.

Қўшимча саволлар ва хулосалар

Муаммони шаклланиши: Уй-жой қурилишини жадаллаштиришнинг аҳоли фаровонлиги ва Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсири ва аҳамияти

Ечиладиган муаммо ости муаммолари:

1. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадаллаштиришнинг қандай заҳиралари мавжуд?

Билимларни жонлаштириш.

1.1. Уй-жой қурилиши сифат кўрсаткичлари?

1.2. Уй-жой қурилиши меёрий асослари?

Хулоса

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-Ф сонли “Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида” ги фармойиши бу борада жиддий кадам булди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш буйича ката ишлар бажарилди.

Ҳозирги пайтда замонавий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1046-сонли "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа

хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Бутун мамлакатдаги каби Наманган вилоятида ҳам замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Аҳолига қулайликлар ва молиявий енгилликлар яратиш мақсадида бу борада муайян тартиб-қоидалар белгилаб олинди. Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаро, ўзи истиқомат қиладиган вилоятдаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг филиалига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Фуқаро ўз аризасида уй-жойларнинг намунавий лойиҳасини ва уй-жой қурилиши учун тўлов турини кўрсатиб ўтиши лозим. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК аризани ўрганиб чиқади ва фуқаро билан дастлабки шартнома тузиш учун таклиф этади. Фуқаро “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК билан шартнома тузгандан сўнг, ипотека кредити расмийлаштириш учун фуқаро яшаш жойига яқин бўлган “Қишлоқ қурилиш банк”нинг филиалига мурожаат қилади.

Қарз оловчи фуқаро “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси билан “калити билан топшириш” шартлари асосида тузилган шартномада қурилиш ташкилотини танлаш ва техник назорат қилиш вазифаларини компанияга юклайди. Бунда, қарз оловчи шартномага мувофиқ қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурият бўлганда намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжиниринг компанияси ва пудратчига эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека

кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % и даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

- кредитдан фойдаланганлик учун Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоиз белгиланади;

- жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;

- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар ушбу ходимнинг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайди;

- кредитнинг бошланғич 25% тўлови фуқаронинг ишхонаси томонидан ҳам тўлаб берилиши мумкин. Бунда корхона томонидан тўлаб берилган ушбу сумма ҳам даромад солиғидан озод қилинади.

- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25% дан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

- шартнома “Қишлоқурилишинвест” инжиниринг компанияси билан “калити билан топшириш” шarti асосида тузилади

- ажратиладиган 6 сотих ер участкаси умрбод мерос қилиб бепул берилади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб берди. Ўзбекистонда 2013 йилда қишлоқ жойларида 353 та мавзеда умумий турар-жой майдони 1,5 млн.кватрат метрдан ортиқ булган 10 мингта шинам уйлар курилди. Бу 2012 йилдагидан 17 фоизга куп.

Наманган вилоятида 2011-2013 йилларда ун битта туманда жами 72 та янги турар-жой мавзелари пайдо булди. Уларда 1700 дан ортиик янги уйлар курилди. Буишларга жами 134 миллиард сумдан ортиқ маблаг йуналтирилди. Мазкур мавзеларда 25,2 километр узунликдаги йул курилди, 73,8 километр электр, 52,2 километр табиий газ, 77,3 километр масофадаги ичимлик суви тармоклари ишга туширилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т.:Норма нашриёти, 2013.
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. Т.:Норма нашриёти, 2014.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

4. «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12.09.2003 й. № 395
5. «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 03.07.2003 й. № 302
6. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 24.10.2003 й. № 463
7. «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий етиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 23.10.2003 й. № 462.
8. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 02.12.2003 й. № 538
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 68-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президент қарорлари, фармонлари ва маърузалари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
13. «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 06.05.2003 й., № Пф-3240.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган ПҚ-1167 сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган ПҚ-1049 сонли “МЧЖ “Қишлоққурилишлойиха” лойиха-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги” қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли “Қишлоқ қурилиш банк” очик турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисидаги” қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 июлда қабул қилинган Ф-3236 сонли “Уй-жойлар ва ижтимоий соҳа иншоотларининг

намунавий лойиҳаларини танқидий баҳолаш ва экспертиза қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисидаги” фармойиши.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 6 августдаги 1170-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.-Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 281 бет.
22. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 22 январ.
23. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

- Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.
24. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.
 25. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр.
 26. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи газетаси 2014 йил 19 январ.
 27. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2010.
 28. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
 29. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
 30. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
 31. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

32. Каримов И.А. Мамлакатимзда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.— Т.: Ўзбекистон, 2010.
33. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: Ўзбекистон, 2011.

4. Илмий адабиётлар

34. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Наманган, 2000.-288 б.
35. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти.-Тошкент.”Янги аср авлоди”, 2009.-282б.
36. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие— Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
37. Инаятов А., Арзуова Ш. Курилишда хусусийлаштириш ва ислох қилишни ривожлантириш тенденцияси. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № ½, 2002.
38. Назаров Ш. Абдуллаев М.Экономические аспекты качества строительства и содержания автомобильных дорог // Экономический вестник Узбекистана.-Тошкент, 2011.-№2, 77-80-с
39. Степанова И.С.-Экономика строительства. Учебник под ред. д.е.н., проф. Юрайт, 2006, 546 с.
40. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Т. УМЕ. 1998.
41. Махмудов Е.Х., Исаков М.Ю. Бизнес - планирование. Учебное пособие— Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004
42. Солиев А., Аҳмедов Е., Маҳаммадалиев Р. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2003.-354 б.
43. Қаюмов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф.Т. Минтақавий иқтисод. Ўқув қўлланма.-Т.:Университет.2004.-122б.

44. Қориева Ё. Транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланишини таъминловчи янги лойиҳалар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.- Тошкент, 2011.-№2, 90-91-б.
45. Эшмухаммедова А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Тошкент, Ўқитувчи, 1996. 34 б.
46. Экономика строительства: Учебное пособие для вузов / Под ред. Ю.Ф. Симионова. - Москва: ИКЦ «Март», Ростов - н/д, 2003. - 252 с.

5. Интернет сайтлари

47. www.hse.ru/kafedry/economy/
48. econom.mslu.ru/index.php
49. www.sem-rspu.ru/nir/nir_stud/nir_ne.htm
50. www.bel.edu.ru/doc/
51. <http://intereconomics.econ.msu.ru/tematika.htm>
52. intereconomics.econ.msu.ru/tematika.htm

**2013 йил Дастурига мувофиқ Намангн вилоятида қишлоқ массивларидаги уй-жойларда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари
тўғрисида маълумот**

№	Худудлар	Массивлар номи	Уйлар сони	Бажарилган ишлар (қуйида кўрсатилган иш турлари тугалланган уйлар сони)											Ишчи сони	Тайёрлик даражаси (%)	Қурилиши тўлиқ таъминланган уйлар сони	Пудратчилар
				Фундамент	Девор	Плита ёпиш	Том (металло-черепица)	Эшик ва дераза ўрнатиш	Пол қопла-маси	Иситиш тизими	Электр, сан-техника	Ички сувоқ	Ташқи сувоқ	Ташқи девор ва ҳовли қурилмалари				
	Вилоят бўйича жами:		700	700	700	700	700	700	700	700	700	700	700	700	2961	100	700	
1	Косонсой	Корасув ҚФЙ Корасув аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	45	100	10	"Ирвадон қурилиш сервис" МЧЖ
			5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	26	100	5	"Юсуф Хос Хожиб" МЧЖ
			5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	78	100	5	"Бунёдкор қурилиш сервис" МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	60	100	10	Олтин водий К х\к
			20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	78	100	20	Меҳригие-98 хусусий корхонаси
		Чиндовул ҚФЙ А.Дадаханов аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	45	100	10	"Озод" МЧЖ
			Косонсой ҚФЙ "Обод" массиви	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	35	100	10
		8		8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	34	100	8	"Наммеъмордизайнқурилиш" МЧЖ
		7		7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	45	100	7	"Дониёр Умаров қурилиш сервис" х.к
Туман бўйича			85	85	85	85	85	85	85	85	85	85	85	85	446	100	85	

2	Мингбулок	Олтинкул КФЙ, Мулкобод аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	74	100	10	Хакулобод уйсозлик курувчи МЧЖ
		Жомашуй шахарча Курикобод махалла	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	65	100	10	"Обод курилиш таъмир сервис" МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	25	100	10	"Жахон барокот текс" х- к
Туман буйича			30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	164	100	30	
3	Наманган	Миришкор КФЙ Юкори Ровустон қишлоғи	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	36	100	10	Еркатай курилиш инвест сервис х/к
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	49	100	10	Мирхолдоршо-Ота х/к
		Ирвадон КФЙ, 3- Ирвадон аҳоли пункти	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	85	100	11	"Рисола курилиш таъмир сервис" х.к
			11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	165	100	11	"Дех.фер.таъм" МЧЖ
		Богишамол КФЙ Курама МФЙ	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	35	100	10	Бинокор Бунед сер.МЧЖ
			8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	47	100	8	Наманган шаҳар Чернобль жамияти кошидаги Газтаъмирпардоз х/к
Туман буйича			60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	417	100	60	
4	Норин	Туда КФЙ А.Шамсидди нов МФЙ	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	15	100	8	Анд-Юксак равак х/к
			7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	20	100	7	"Элёрбек Мухаммад Диёр бек курилиш савдо " МЧЖ
		Кўрғонтепа КФЙ Ғалаба аҳоли пункти	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	25	100	8	Мухаммадбобур савдо сервис х/к
			7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	25	100	7	Норингаз сув монтаж МЧЖ
Туман буйича			30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	85	100	30	
0	Поп	Поп КФЙ Учбулар аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	25	100	10	Мухандислик коммуникацияси ихтисодлаштирилган махсус таъмир х/к

			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	30	100	10	Дегрез курилиш савдо саноат сервис х/к
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	20	100	10	Ғолиб хожи Э.Р х/к
			11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	35	100	11	Поп шижоат курилиш МЧЖ
			11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	40	100	11	Сохтмондизайн сервис х/к
			8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	25	100	8	"Чуст истикболи курилиш сервис" МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	18	100	10	"Ахрорбек савдо люкс" х.к
Туман буйича			70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	193	100	70	
6	Тўрақўрғон	Бураматут ҚФЙ Бураматут пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	21	100	10	Осим курилиш дизайн х/к
		Сайрам ҚФЙ Чуст кўприк аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	24	100	10	Шохидон гишт курилиш МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	26	100	10	Курувчи х.к
		Шаҳанд ҚФЙ Ўзбекистон аҳоли пункти	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	45	100	8	Максади фаровон х/к
		Исвахон маҳалласи	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	35	100	11	Туракургон курилиш сервис МЧЖ
			12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	28	100	12	Туракургон тараккият курилиш сервис х.к.
			12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	34	100	12	Равнак МЧЖ
		Туман буйича			73	73	73	73	73	73	73	73	73	73	73	213	100	73
7	Уйчи	Уйчи ҚФЙ Соку аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	20	100	10	Олмос Уйчи х.к	
		Ёркургон	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	20	100	10	Гузал Камолот х\к	

		КФЙ Тепасарой аҳоли пункти	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	35	100	12	Сантехсервисинтер Шухрат шуъба корхонаси
		Жийдакапа КФЙ Дустлик аҳоли пункти	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	30	100	12	"Сифат кафолат стандарт сервис" МЧЖ
			13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	35	100	13	"Шохиста-Машина- Шахина" МЧЖ
		Уйчи КФЙ Кургонча аҳоли пункти Умид маҳалла	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	45	100	10	Адхам Карвон- Абдулхай Сарбон х/к
		Уйчи ҚФЙ Қўргонча маҳалла	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	40	100	10	10-ХМКК МЧЖ
Туман буйича			77	77	77	77	77	77	77	77	77	77	77	77	77	225	100	77	
8	Учқўргон	Қўғай-Ўлмас КФЙ Шахрихончек МФЙ	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	42	100	10	Куркам иншоат файз х/к
		Хамза КФЙ Каттамоғол аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	43	100	10	Осиё ҳамкорлик риштаси х\к
		Хамза ҚФЙ Хамза аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	35	100	10	Кугай қурилиш сервис х/к
		Янгиер ҚФЙ Янгиер аҳоли пункти	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	55	100	14	Келажак замон Сардори
			14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	39	100	14	"Қайкиобод қурилиш сервис" х.к
Туман буйича			58	58	58	58	58	58	58	58	58	58	58	58	58	214	100	58	
9	Чортоқ	Короскон КФЙ Боғ аҳоли пункти	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	45	100	11	Чортоқ зилол ёғдуси МЧЖ
		Кораскон	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	70	100	13	"Мехнат нури" х.к

		КФЙ Тинчлик МФЙ	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	80	100	14	Зар-ДМ ИЧК
		Кораскон КФЙ Саркор МФЙ	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	124	100	11	"Маржон ЮЗМ" х.к
			11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	58	100	11	"Корстройрембитсервис" "МЧЖ
		Пешкургон КФЙ Тупкайрагоч МФЙ	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	46	100	10	Икбол дизайн курилиш монтаж МЧЖ
Туман буйича			70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	423	100	70	
10	Чуст	Сабазор ММТП Сабазор-3 аҳоли пункти	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	11	58	100	11	Чуст крошка строй сервис МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	60	100	10	Чуст пансада курилиш монтаж МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	41	100	10	6-ХМКК МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	40	100	10	Чусткурилиш ашё хаф
			8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	32	100	8	Мададкор КТХКК
			7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	7	35	100	7	"Амир Тохирий тезкор курилиш" МЧЖ
			9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	32	100	9	"Феликс Фахр курилиш" х.к
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	44	100	10	"Максудхон-Д" х.а.ф
Туман буйича			75	75	75	75	75	75	75	75	75	75	75	75	342	100	75	
11	Янгиқўрғон	Заркент КФЙ Маданият аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	15	100	10	Оташ КТХФ
		Зарбдор ҚФЙ Гулистон аҳоли пункти	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	40	100	12	Оригинал лойиха РЗС х/к
		Зарбдор ҚФЙ Тинчлик аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	36	100	10	БунедкорМЧЖ

		Навкент КФЙ Хуррият	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	54	100	10	Сержило курилиш таъмирлаш х.к
		Нанай КФЙ Кизилёзи аҳоли пункти	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	40	100	10	"Аврора" х.к
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	30	100	10	5-ХМКК МЧЖ
			10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	24	100	10	"Гравелит дизайн курилиш монтаж" МЧЖ
			Туман буйича		72	72	72	72	72	72	72	72	72	72	72	72	239	100